



№53 (906)
2025 йил 4 июль,
жума

ЎЗБЕКИСТОН ВУНУОДКОРИ

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

“
Ўзбекистон
Республикаси
Президентининг
2025 йил 1 июлдаги
“Тошкент
архитектура-
қурилиш
университети
фаолиятида
таълим тизими
самарадорлигини
ошириш ва илмий
тадқиқотларнинг
амалиёт билан
интеграциясини
таъминлаш чора-
тадбирлари
тўғрисида”ги
қарорига кўра,
2025/2026 ўқув
йилидан Тошкент
архитектура-
қурилиш
университетида
ўқитишнинг дуал
таълим шакли
жорий этилади.

uzbyunodkor t.me/uzbyunodkor uzbyunodkor info@uzbyunodkor.uz uzbyunodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг
сешанба ва жума кунлари чиқади.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИДА НАВБАТДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
Озарбайжон Республикаси Президенти
Илҳом Алиевнинг таклифига биноан давлат ташрифи
билан ушбу мамлакатда бўлиб турибди.**

Бу ташриф икки қардош халқ ўртасидаги муносабатлар тарихида навбатдаги муҳим бошқичга айланади. Ташрифнинг биринчи кунини Президент Илҳом Алиев билан бўлиб ўтган музокаралар, Олий давлатлараро кенгашининг иккинчи йиғилиши ва имзоланган келишувлар нафақат икки томонлама алоқаларни, балки минтақадаги сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларнинг йўналишини белгилашда ҳам муҳим саналади.

Давлатимиз раҳбари 3 июль кунини Боку шаҳрида Озарбайжон халқининг умуммиллий етакчиси Ҳайдар Алиев мангу қўним топган Фахр хиёбонига ташриф буюрди.

Президентимиз Ҳайдар Алиев қабрига гул қўйиб, Озарбайжоннинг буюк давлат ва сиёсат арбоби хотирасига эҳтиром кўрсатди.

Ҳайдар Алиев ҳақли равишда мустақил Озарбайжоннинг асосчиси ҳисобланади. Унинг раҳбарлигида мамлакатнинг жадал ривожланиши ва халқаро майдондаги нуфузи юксалиши учун мустақам пойдевор яратилди.

Унинг давлат қурилиши ва миллий суверенитетни мустақамлашга қўшган ҳиссаси Озарбайжон тарихида алоҳида ўрин тутаяди.

Ўзбекистонда Ҳайдар Алиевни қардош давлатларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини ривожлантириш ва мустақамлашга катта аҳамият берган давлат арбоби сифатида чуқур ҳурмат қилинади.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Боку шаҳридаги Ғалаба боғига борди.

Ўзбекистон етакчиси Ғалаба кўнига бағишланган ёдгорлик пойига гул қўйиб, Озарбайжон ватанпарварлари хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Озарбайжон пойтахти марказида жойлашган ушбу замонавий ёдгорлик мажмуаси мамлакат озолиги ва худудий яхлитлиги йўлида қурбон бўлган миллий қаҳрамонлар хотирасини абадийлаштириш мақсадида бунёд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжонга давлат ташрифи доирасида Фузулий шаҳрига келди.

Аэропортда олий мартабали мижозини Озарбайжон маданияти вазири Одил Керимли ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Шаҳар буюк озарбайжон шоири ва мутафаккири Муҳаммад Фузулий номи билан аталган. Мамлакатнинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган бу шаҳар азалдан Қорабоғнинг “жанубий дарвозаси” ҳисобланади.

2020 йилдан бошлаб Фузулий тумани ва шаҳрида кенг кўламли қайта тиклаш дастури амалга оширилмоқда. 2021 йилда фойдаланишга топширилган Фузулий аэропорти барпо этилган муҳим объектлардан бири бўлди. Шаҳарда, шунингдек, замонавий турар жой мажмуалари, тиббиёт ва таълим муассасалари, инфратузилма объеклари қад ростлади, янгилири қурилмоқда.

2023 йил август ойида икки мамлакат етакчилари шаҳарда Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан биродар халқларимиз ўртасидаги мустақам дўстлик рамзи сифатида қурилган Мирзо Улуғбек номидаги замонавий мактабни очган эдилар.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хонкенди шаҳрига келди.

Давлатимиз раҳбарини Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев кутиб олди.

Бу ерда етакчилар қўшма тикувчилик фабрикаси фаолияти билан танишди.

Корхона Президентлар томонидан 2024 йил ноябрь ойида Бокуда бўлиб ўтган БМТ Иқлим саммити доирасидаги учрашувда ишга туширилган эди.

Тикувчилик фабрикасининг майдони 1,2 гектар. Лойиҳанинг умумий инвестиция қиймати 6,2 миллион долларни ташкил этади. Жами 800 та иш ўрни яратилади.

Корхонада йилига 3-5 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган. Тайёр маҳсулотлар ҳам ички бозорга, ҳам экспортга етказиб берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хонкенди шаҳридаги Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасида Афғонистон Бош вазирининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари вазирасини бажарувчи Мулла Абдул Ғани Бародарни қабул қилди.

Савдо-иқтисодиёт, транспорт-логистика, энергетика соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг долзарб жиҳатлари муҳокама қилинди.

Товар айирбошлаш ҳажми ва қўшма корхоналар сони барқарор ортиб бораётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Амалий алоқалар фаоллашди. Жорий йилнинг май ойида Кобул ва Мозори Шариф шаҳарларида Ўзбекистон савдо уйлари очилди. Июнь ойида Имтиёзли маданий яқинлик, меъморий ўхшашликлар ва қадр-ятлар муштараклиги асосида соҳалараро алоқаларини

Узбекистон етакчиси чегараолди савдо ва тегишли инфратузилмани янада ривожлантириш, қазиб чиқариш, тўқимачилик, фармацевтика ҳамда қурилиш материаллари тармоқларида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва бошқа йўналишларда кооперация лойиҳаларини илгари суриш муҳимлигини таъкидлади.

Стратегик муҳим минтақавий лойиҳа - Трансафғон темир йўлини қуриш лойиҳасини жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 17-саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ҳамроҳлигида Ағдам шаҳридаги “Импорт” тарихий-меъморий мажмуасига ташриф буюрди.

Бу ерда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар делегациялари раҳбарлари ҳам келди.

Ағдам шаҳри Озарбайжоннинг ғарбий қисмида, Қорабоғ туманида жойлашган. 2021 йилдан бошлаб шаҳар инфратузилмаси фаол тикланмоқда: янги мактаблар, болалар боғчалари, уй-жойлар, маъмурий бинолар қурилмоқда.

“Импорт” мажмуасида Қорабоғ хонлиги асосчиси Паноҳ Алихоннинг саройи ва мақбараси жойлашган. 2024 йилда мажмуа реставрация ишлари ва археологик тадқиқотлардан сўнг қайта очилди.

Бу ерда Қорабоғ тулпорлари парк ва интерактив музей ташкил этилган. Етакчилар мажмуада яратилган паролитлар, бунёдкорлик ишлари билан танишди. Меҳмонлар этиборига Озарбайжон Қорабоғининг бой маданияти ва аъёналарини акс эттирувчи Қорабоғ тулпорлари иштирокидаги “Зафар” номи маданий дастур тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифи давом этмоқда.

Ў.А.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛАЁТГАН ҲУДУД



2-бет

ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Шерзод Хидоятوف
Эрон Ислом Республикасининг
Ўзбекистондаги элчиси Муҳаммад-Али
Искандарийни қабул қилди.**

Учрашувда икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳамда қурилиш ва коммунал хўжалиги соҳаларида ҳамкорлик имкониятлари муҳокама қилинди. Хусусан, сув ресурсларини бошқариш, инфратузилма лойиҳаларини ривожлантириш, шунингдек, сифатли ва замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқариш каби йўналишларда тажриба алмашиш масалаларига эътибор қаратилди.

Шерзод Хидоятوف Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги маданий яқинлик, меъморий ўхшашликлар ва қадр-ятлар муштараклиги асосида соҳалараро алоқаларини



мустақамлаш муҳимлигини таъкидлади. Шунингдек, сув хўжалиги ва қурилиш индустрияси бўйича илгор тажриба ҳамда технологияларни ўрганишга тайёр

эканини билдирди. Томонлар истиқболда қўшма лойиҳаларни йўлга қўйиш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олдилар.

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси ҳамда “Хоразм сув таъминоти” АЖ мутахассислари томонидан аҳолининг марказий оқова сув тармоқларидан фойдаланиш ҳолати доимий назорат қилиб борилмоқда.



Хусусан, Хонқа туманидаги Ёш куч маҳалласининг “Янги Ўзбекистон” массивида оқова сув тизимларини яхшилаш ва аҳолига сифатли кўрсатиш ишлари амалга оширилмоқда. Ўрганиш жараёнида мазкур оқова сувларни тозалаш иншоотининг лойиҳавий қуввати 4000 м³/суткани ташкил этиши, ҳозирда эса бу ерда кўнига 1000-1400 м³ оқова сув тозаланаётгани аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 15-16 апрель кунлари Андижон вилоятига ташрифи чоғида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш доирасида Андижон давлат тиббиёт институтининг Наманган филиалини ташкил этиш вазифаси белгилаб берилган эди.

Ушбу муҳим вазифа ижроси юзасидан Наманган тумани Кумқўрғон маҳалласида жойлашган “Наманган шарқ тиллари ва хизмат кўрсатиш” техникуми биносини Андижон давлат тиббиёт институти Наманган филиали учун ўқув мажмуаси сифатида белгиланди. Айни пайтда ушбу бинода жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.



Рақамли технологиялар вазириликда мамлакатимизда фаолият юритаётган провайдер компанияларнинг жамоавий мурожаатига асосан йиғилиш ўтказилди. Унда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик Департаменти бошлиғи Обиджон Мўминов ҳам иштирок этди.



Йиғилишда кўп қаватли уйлarda интернет провайдерлари ҳамда бошқарув органлари ўртасида учраётган муаммоли ҳолатларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилинди. Энг муҳими, интернет тармоқлари кўп қаватли уйлarning ташқи қиёфаси ва хавфсизлигига таъсир этмаслиги, тартибсиз ҳолатлар олди олиниши лозимлиги қайд этилди. Йиғилиш сўнггида мавжуд ҳолатларни қонунчиликда белгиланган талаблар асосида, энг муҳими, аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш ҳисобига бартараф этишга келишиб олинди.

Самарқанд шаҳар Боғибаланд маҳалласи Гагарин кўчасидаги 85-Б-сонли кўп қаватли уй хонадонларидан бирининг мулкдори томонидан ўзбошимчилик билан тўсиқ девор бузилиб, дераза очилгани аниқланди.

Мазкур ҳолат Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган рейд тадбирлари давомида аниқланди. Аниқланган қоидабузарлик юзасидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 159-моддаси тегишли қисмига асосан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, мулкдорга ҳолатни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма берилди. Агар белгиланган муддат ичида ҳолат бартараф этилмаса, инспекция томонидан тегишли ҳужжатлар тўпланиб, фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси киритилади.

Маданият ва санъат маркази қад ростламоқда

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Юртбошимиз томонидан сўнгги йилларда халқ ҳўжалигининг барча соҳалари каби Қорақалпоғистонда ҳам маданият ва санъат соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, асрга татиғулик йирик ўзгариш ва янгиланишлар амалга ошириляпти.

Хусусан, Нукус шаҳрида Опера ва бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган мактаб, Ўзбекистон давлат маданият ва санъат институтининг Нукус филиали ҳамда Ўзбекистон давлат консерваториясининг Нукус филиали ташкил этилиши қорақалпоқ халқининг қадимий маданияти ва санъатига бўлган ҳурматнинг ёрқин ифодасидир десак, муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон давлат консерваториясининг Нукус филиали Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 2 октябрь кунги Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи домида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг навбатдан ташқари саккизинчи сессиясида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тартибда ўтказилган 73-Йиғилиш баённомасининг ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 апрель кунги 186-сонли қарори асосида ташкил этилиди. – деди мазкур филиал директори, профессор Рудакий Алламбаев. – 2021 йили филиалимизга профессионал таълим йўналишлари бўйича санъатшунослик, муסיқашунослик, дирижёрлик (турлари бўйича), вокал санъати (турлари бўйича), созандачилик (турлари бўйича) таълим йўналишлари бўйича 47 нафар ёшлар ўқушига қабул қилинган. 2022 йили 57, 2024 йили 61, 2025 йили 71 нафар ёшлар талабалик бахтига муяссар бўлди. Ҳозирги вақтда филиалда 229 нафар талаба 65 нафар профессор-ўқитувчилардан замон талабига мос таълим-тарбия олмақда. Афсуски, шу йиллар мобайнида филиалимиз алоҳида ўқув биносига эга эмас эди. Шунинг учун дастлабки йиллар профессор-ўқитувчилар дарсларини Нукус ихтисослаштирилган маданият мактабида ўтишга мажбур бўлди.



Президентимизнинг махсус қарори асосида ўтган йили Ўзбекистон давлат консерваторияси Нукус филиалининг ўқув биноси учун Нукус шаҳрининг "Боғчилик" маҳалла фуқаролар йиғини худудидан ер майдони ажратилиб, умумий қиймати 26 миллиард сўм бўлган қурилиш ишлари бошланди.

– Қурилишни ўтган йилнинг август ойида бошлаган эдик, – деди "Тупроққалъа" махсус қурилиш" маъсуляти чекланган жамияти муҳандиси Жасур Юсупов. – Насиб этса, август ойининг бошида қурилиш ишларини тўлиқ якунлаб, ўқув биносини фойдаланишга топшираимиз. Бу ишларни ўз вақтида ва сифатли якунлаш учун жамиятимиз аъзолари фидойилик билан хизмат қилмоқда.

Чиндан ҳам, халқимизнинг санъат ва маданиятга бўлган ихлоси ва ҳурмати жуда баянд. Шу боис, ҳозирги кунда жамият бунёдкорлари Президентимизнинг ёш авлодга қилаётган ғамхўрлигини амалда қўрсатиш мақсадида, вақт билан ҳисоблашмасдан хизмат қилмоқда. Бу, албатта, мамлакатимизда олиб борилаётган йирик ислохотларнинг ёрқин ифодасидир.

Янги ўқув биноси фойдаланишга топширилади

Ҳамза ШУКУРОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Дунё нигоҳидаги қадимий Самарқанд шаҳри ва унинг атрофидаги ободончилик ишларидан кўнгилар яшнайдди. Хусусан, Самарқанд давлат университети Интеллектуал тизимлар ва компьютер технологиялари факультети учун бунёд этилаётган бино қурилишида меҳнат қилаётган қурувчилар ана шундай ҳолатларни қалбдан ҳис этадилар.



Факультетнинг янги ўқув биноси 1000 ўринга мўлжалланган. Унинг буюртмачиси вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" давлат унитар корхонаси ҳисобланади. Корхона директори

Аброр Илмуродов ишшоотда бажарилаётган ишлар ҳақида куйидаги гапириб берди: – Олий ўқув юрти факультети учун янги бино барпо этилиши бошлангандан буён қурувчилар ти-

ним билмапти. Уларга барча шароитларнинг яратиб берилгани эса иш суръатига суръат, сифатига сифат қўшапти. Буюртмачи, лойиҳачи, пудратчи бир-бирини тушуниб, қўлаб-қувватлар экан, ўз-ўзидан ишда самарадорлик олиб, сифат яхшиланади.

Қурилиш лойиҳачиси "Nare grand" маъсуляти чекланган жамиятидир. Пудратчи эса "Комила" МЧЖ бунёдкорлари бўлиб, улар қурилиш ишларини тез ва сифатли амалга оширмоқда. Тажрибали қурувчи Дониёр Нарзиқулов раҳбарлигида иш олиб бораётган қурилиш ташкилоти бунёдкорлари айни пайтда ишшоотдаги асосий юмушларни ниҳосига етказиши. Ҳозиргача бажарилган ишлар қиймати 32,5 миллиард сўмни ташкил этди. Ишшоотда ободонлаштириш ва жиҳозлаш ишларига киришилди.

"Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғини замонавий бинода

Зулфизар МАВЛОНОВА, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бухоро вилоятида маҳалла фаолиятини янада самарали ташкил этиш, фуқароларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Шу қаторда, Когон тумани "Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғини маркази биносининг фойдаланишга топширилиши худуд аҳолиси учун катта қувонч бағишлади. Мазкур ишшоотнинг очилиш маросимида туман ҳокими Отабек Қазоқов бошчилигида маъсуллар, жамоатчилик вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этдилар.

Бино Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 сентябрдаги "Ислоҳ тараққиёт банки ва ОПЕК халқаро тараққиёт жамғармаси иштирокида кишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан бунёд этилган. Умумий қиймати 4 миллиард 628 миллион сўмни ташкил этган қурилиш ишларини "Амиршоҳ моҳир қурувчи" МЧЖ пудратчилари амалга оширди. 13 сотих майдонда қурилган бу замонавий уч қаватли

бино маҳаллий аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда жиҳозланган.

Маҳалла марказида ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори ҳамда марказ раиси учун алоҳида хоналар ташкил этилган бўлиб, улар замонавий техника воситалари ва мебеллар билан таъминланган. Ертўла қисмида мева-сабзавотларни саралаш ва қадоқлашга мўлжалланган хоналар бор. Биринчи қаватда аёллар ва эркаклар учун алоҳида сартарошхоналар, қандолат цехи ва



сабдо дўкони иш бошлайди. Иккинчи қават ўқув марказлари учун мўлжалланган бўлиб, касб-хунарга йўналтириш ўқув маркази ҳамда фитнес зали билан жиҳозланган. Учунчи қаватда эса ёшлар учун тикув цехи ва маиший техника устанонаси фаолият юритиши кўзда тутилган.

Бундай марказларнинг пайдо бўлиши маҳалла институтини фақат маъмурий орган эмас, балки аҳоли эҳтиёжларини қондирувчи кенг имкониятларга эга маскан сифатида шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Исламбек ДАВЛЕТОВ,

Тошкент архитектура-қурилиш университети Менежмент кафедраси профессори, иктисодиёт фанлари доктори (DSc).



Ҳозирги глобаллашув шароитида мамлакат иқтисодиётининг барча тармақ ва соҳаларидаги кенг қўламли ислохотлар, хусусан, ижтимоий соҳанинг асоси ҳисобланган таълим тизимидаги ислохотлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис, таълим соҳасидаги ислохотларда олий таълим тизимидаги ўзгаришлар орасида асосий ўринни эгаллайди.

Таъкидлаш жоизки, Президентнинг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сон фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси"да олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, ўқиш жараёнига илгор хорижий таълим технологияларини жалб этиш, халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илгор стандартларини жорий қилиш белгиланган. Жумладан, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий қўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимида босқичма-босқич ўтиш, олий таълим маъмурини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўладиган, меҳнат бозорига ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорли-

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаларида

ДУАЛ ТАЪЛИМ

гини йўлга қўйиш каби устувор вазифалар кўзда тутилган.

Бутунги кунда миллий иқтисодиётнинг ривожланишида ривожланган давлатларнинг таълим тизимини ўрганган ҳолда назарий таълим билан бир вақтда корхона ва ташкилотларда иш фаолиятини олиб бориш имкониятини берувчи "Дуал таълим" – Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунининг 15-моддасида таълим олиш шаклиларидан бири сифатида кири-тилган, шунингдек, мазкур қонуннинг 17-моддасида эса "Дуал таълим"ни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши ҳам таъкидлаб ўтилган. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 16 январдаги "Олий таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 14-сон қарори билан "Олий таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида Низом" тасдиқланди.

Мазкур Низомда қуйидаги вазифалар назарда тутилган:

- дуал таълимнинг назарий ва амалий қисми муддатларини ҳамкор корхона ва ташкилотлар билан келишилган ҳолда, олий таълим ташкилоти томонидан белгилаш;
- таълим жараёнининг назарий қисмидаги талабалар иштирокини олий таълим ташкилотиде тегишли профессор-ўқитувчи, ишлаб чиқариш билан боғлиқ амалий қисмидаги иштирокини эса корхонадан бириктирилган амалиёт раҳбари (устоз) томонидан мувофиқлаштириб бориш;
- олий таълимда "Касб эгаси" дуал таълим тизимини ташкил этиш тартибини белгилаш.

Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 ноябрдаги "Архитектура-қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-416-сон қарорига асосан, архитектура ва қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини илгор хорижий тажриба ва халқаро андозалар асосида трансформация қилиш, хусусан, ўқув жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш, илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳаларида ўзаро интеграцияни янада мустақамлаш каби устувор вазифалар белгиланган.

Мазкур қарорда архитектура-қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини илгор хорижий тажриба ҳамда халқаро стандартлар асосида трансформация қилиш, таълим жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш, илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш ҳамда таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини мустақамлаш, хусусан, мутахассислик кафедралари тармоқ корхоналари, ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида бириктирилиши ҳамда ҳамкорликда профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли юқори курс талабаларининг амалий қўникмаларини ошириш, тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш ва илмий лойиҳалардаги иштироки каби устувор вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Германия дуал таълим тизимининг асосчиси ҳисобланади. Бу мамлакат тажрибаси бутун Европа Иттифоқи учун намуна бўлиб хизмат қилади. Немис касб-хунар таълим тизими ривожланган мурабийлик институтидан амалиётга йўналтирилган таълим ва кадрлар тайёрлашда бизнеснинг фаол иштироки билан ажралиб туради. Германияда дуал таълим қатъий қонунчилик доирасида амалга оширилади ҳамда савдо-саноат ва хунармандчилик палаталари ёрдамида амалга оширилади. Россияда дуал таълимнинг ёрқин мисоли – Москва физика-техника институтиде ташкил этилган тизим ҳисобланади. Мазкур институтда учинчи ёки тўртинчи курсдан бошлаб талабалар илмий ташкилотларда тадқиқот ишларига жалб қилинади. Тизим ўзини яхши кўрсатди ва кейинчалик ушбу тизим Новосибирск давлат университетига кенг жорий этилди. 2014 йилда янги лойиҳаларни рабатлантириш бўйича Россия стратегик ташаббуслар Агентлиги ва 23 та субъекти орасидан танланган худудларда танлов ўтказди, унда "Дуал таълим асосида юқори технологияли саноат талабаларига жаов берадиган ишчиларни тайёрлаш" лойиҳаси ишга туширилди.

Анъанавий таълимнинг асосий муаммоси – бу рақобатбардош кадрлар тайёрланмаслиги, таълим жараёнига илгор хорижий тажрибалар татбиқининг сустлиги, иш берувчилар талаблари ўртасидаги номувофиқлик ва битирувчи талабаларнинг ишга жойлашмидаги қийинчиликлар ва бошқа шу кабилар ҳисобланади. Шу боисдан, ҳозирги вақтда олий таълим ташкилотлари ва иш берувчи корхона ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги механизмини ишлаб чиқиш зарур бўлади. Бу эса, ўз навбатида, меҳнат бозорини ҳисобга олган ҳолда қўшимча компетенцияларни аниқлаш ва уларни шакллантириш имконини беради.

Дуал таълим тизими, унга алоқадор барча томонлар – корхоналар, ишчилар ва давлат манфаатларига мос бўлиши лозим. Корхона учун ходимларга "буюртма" қилиш, ўқитиш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг барча талабларига максимал даражада мувофиқлигини таъминлаш ва бошқалар учун харажатларини тежаш имкониятидир. Дуал таълим ёшларнинг эрта мустақил бўлиши ва катта ҳаётга мослашиш учун аjoyиб имконият ҳисобланади. Шунингдек, унинг доирасида таълим жараёни доимий равишда сифат жиҳатдан ўзгариб боради ҳамда янги ёндашувлар асосида билим олиш, касбий қўникмалар ва малакаларни эгаллаш имконияти пайдо бўлади.

Қолаверса, университетда таълим тизими самарадорлиги, хусусан, дуал таълим тизимини янада такомиллаштириш мақсадида жорий йилнинг 1 июль кунги Президентининг қарори қабул қилинган "Тошкент архитектура-қурилиш университети фаолиятини таълим тизими самарадорлигини ошириш ва илмий тадқиқотларнинг амалиёт билан интеграциясини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам бу борда муҳим қадам бўлди. Қарорга кўра, Университет фаолиятини эриштиладиган асосий самарадорлик қўрсаткичлари сифатида дуал таълим шаклини тўлиқ жорий қилиш орқали таълим жараёнининг амалиёт билан интеграциясини таъминлаш, илмий салоҳиятни экспортга йўналтириш доирасида 2028 йил якунигача Университет брендини шакллантириб, хорижий давлатлардан камида 1000 нафар талабани жалб қилиш белгиланди.

Шу билан бирга, дуал таълим дастури кредит-модуль тамойили асосида I курс талабалари учун – таълим дастурларининг 60 фоизи (назарий қисми) аудиторияларда, 40 фоизи (амалиёт қисми) қурилиш саноати корхоналарида, 2-, 3- ва 4-курс талабалари учун – таълим дастурларининг 60 фоизи (назарий қисми) аудиторияларда, 40 фоизи (амалиёт қисми) қурилиш саноати корхоналарида ўтказилади.

Бутунги кунда университетда бириктирилган корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда таълим йўналишларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, ўқув жараёни босқичма-босқич дуал таълим тизими асосида ташкил қилинмоқда. Бутунги кунда университетта бириктирилган "Ўзоғирсаноатлоийҳа" АЖ, "Гидропроект" АЖ, "Ташгипрогор" АЖ, "Qishloqquchilishloyiha" ДМ, "Golden House" компанияси, "Innovative Utility Services" МЧЖ, "33-сонли Қурилиш бошқармаси" МЧЖ, "Kimyohimoyata'minot" МЧЖ ХК, "Puk Madali Servise" МЧЖ БСК каби 10 дан ортиқ кор-

хона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда дуал таълим ташкил қилиш бўйича таълим йўналишлари келишилиб, иш режалари тасдиқланган.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда Тошкент архитектура-қурилиш университети юқори курслардаги 253 нафар талаба, жумладан, "Тошкентбошлан ЛИТИ"да 34 нафар, "Тошуй-жойЛИТИ" АЖда 30 нафар, "Ўзқурилишматериаллари" АЖда 48 нафар, "Гидропроект" АЖда 39 нафар, "Давсувхўжаликназорат" инспекциясида 30 нафар, Тошкент гидрометеорология техникумида 22 нафар, Миллий метрология институтида 15 нафар ва "Шарқ Баҳо" МЧЖда 35 нафар талабанинг ўқув жараёни дуал таълим шаклида тасдиқланган дарс жадаллари асосида ташкил этилган.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, Тошкент архитектура-қурилиш университетининг қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаларида оид таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликлариде дуал олий таълимни юқорида таъкидланган ривожланган давлатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, яна такомиллаштириш мумкин.

Бунинг учун қуйидаги тақлифлардан фойдаланиш мақсада мувофиқ:

- дуал таълимнинг классик тизимини олий таълим даражасида амалий таълим учун жойлар яратиш орқали тўлдириш ҳамда касбий таълим ёки корхонадаги амалий касбий фаолият билан бирлаштириш;
- интеграциялашган – университетдаги қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги муайян мутахассислик бўйича амалий касбий таълим билан уйғунлаштирилиши;
- касбий фаолиятга интеграциялашган – бу тур асосан касбий таълимни тутатган ёки муайян бир мутахассислик бўйича кўп йиллик тажрибага эга бўлганлар учун мўлжалланган. Таълимнинг ушбу шакли биринчи навбатда малака оширишга хизмат қилади. Таълим бошланишидан олинган университет, талаба ва корхона ўртасида уч томонлама шартнома тузилади, унда томонлар олий ўқув юрталарига таълим олиш учун ҳамда корхонада ишлашлари учун ажратиладиган кунлар тўғрисида келишиб олинади;
- амалиётга интеграциялашган – соҳадаги муайян корхонада узоқ муддатли амалиётни ўз ичига олувчи қўшма таълим тури ҳисобланади. Ушбу йўналиш юқорида тавсифланган дуал таълим турларидан фарқли ўлароқ, ўқиниши тутатгандан сўнг иккита диплом олишни назарда тутмайди.

Мухтасар қилиб таъкидлаш мумкинки, дуал таълим тизими асосида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари битирувчилари ўқиниши тутатгандан кейин, нафақат ўз соҳасида мутахассислик дипломига эга бўлиши, балки дуал таълим жараёни ўтказилган корхона ёки ташкилотлар хусусияти хисобга олинган ҳолда ҳар қандай касбий вазифалар ёки топшириқларни мустақил хал эга оладиган таъкид кадр бўлиб етишиш имконига ҳам эга бўлишида.

“Пикник маданияти” дан бохабармисиз?

Райҳона ХЎЖАЕВА, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

- Ойижон, ўртоқларим билан “пикник” қимқочийдик, рухсат берасизми? – дея кичкина қизим шоша-пиша келиб қолди.
- Майли қизим, фақат охирида нима қилишни яхши биласан-а?
- Биламан, ойижон, биламан. Ҳамма ёқни тозалаб, қоғоз ва идишларни йиғиб, чиқинди ташлаб келаман.
- Баракалла қизим, ўртоқларингга ҳам айт, улар ҳам шундай қилсин.
- Хўп бўлади.

Тилимизга сўнгги йилларда кириб келган янги атамалардан бири “пикник маданияти” сўзи бўлса керак. Аммо, бу сўз шунчалик тез оммалашмоқдаки, ёш-яланг деярли кун ора “пикник” қилишга одатланди. Қолаверса, бутун ҳар бир оила ҳафтада бўлмаса ҳам, бир ойда бир мартаба тоғ ён бағирларига, сув бўйига, истироҳат ёғларига бориб, табиат кўйида дам олиб, хордик чиқаришга ўрганди.

Замонавий тилда “пикник” деб юри-тиладиган бу хордик жараёнининг ҳам ўзига яраша тартиб-қоидалари, тўғри-роғи, маданияти мавжуддигидан, афсуски кўпчилиқнинг хабари йўқ. Чиройли жойларда дам олиб, истеъмоқ қилган таомлари қолдиқларини, ичган сувлари ширинликларининг идишларини улоқтириб, табиатга зарар етказаяётганлар ҳам орамизда кўплаб учраб турибди.

Маълумот учун, пикник – бу замонавий маънода табиат кўйида таомла-ниш, тўза маззарали жойлар, боғ, кўл бўйлари ёки ўрмонларда ташкил эти-

ладиган дам олиш туридир. Юртдош-ларимизда “пикник маданияти”ни ривожлантириш мақсадида бутун кунда кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 171-сон қарориди ҳам бу ҳақда қатор вазифалар белгилаб берилган.

Зомин Миллий табиат боғи худудида плоггинг экоҳаракати ҳамда “пикник маданияти” акциялари ҳам ана шундай тадбирлардандир. Унда вилоят Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши ҳамда Чикиндиларни бошқариш бошқармалари, миллий табиат боғи, табиатни муҳофаза қилиш прокуратураси, Ўрмон хўжалиги, Экология партия вилоят Кенгаши ҳамда “Эко-сфера” МЧЖ санитар тозалаш корхонаси вақт ажратгани, ишда тетик бўлишимиз учун спорт билан шугулланишни тавсия қилиб, ўзлари ҳам намуна кўрсатди.

биат кўйида дам олиш ва пикник қилиш маданияти бўйича тушунтиришлар олиб борилди. Айниқса, чикиндиларни белгиланмаган жойларга ташламаслик, тартибсиз гулхан ёқмаслик уқтирилиб, бу каби салбий ҳолатлар оқибатида атроф-муҳит ифлосланиб, ўсимлик ва ҳайвонот оламига зарар етаётгани таъкидланди.

– Баҳор ва ёз мавсумида ушбу худуддаги оммабоп экотуризм масканларига аҳоли вакиллари, асосан табиат кўйида дам олиш ва “пикник”лар ташкил қилиш мақсадида келишади, – деди “Зомин” миллий табиат боғи директори ўринбосари Хусниддин Ҳазратқулов. – Ачинарлиси, ушбу тадбирлардан сўнг, дам олиш худудларига фуқароларимиз томонидан кўплаб чиқиндилар ташлаб кетилади. Афсуски, белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилмасдан, очик оловдан фойдаланиш ва ёки тартибсиз гулхан ёқиш ҳолатлари ҳам борган сари кўпайиб борапти. Дам олиш тартиб-қоидаларига амал қилмаслик оқибатида атроф-муҳит



ифлосланаётгани, ўсимлик ва ҳайвонот оламига зарар келтириляётгани жуда ҳам ачинарли ҳолатдир.

Худди шундай тадбир Сирдарёда вилояти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши ҳамда Чикиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодий ривожлантириш бошқармалари, “Тоza худуд” давлат корхонаси, Полигонларни бошқариш дирекцияси филиали ходимлари, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёш экологлар ҳаракати ва кўнгили ёшлар иштирокида Гулистон туманидан оқиб ўтувчи “Сирдарё” дарёси бўйида ҳам ташкил этилди.

Тадбир доирасида “Чикиндисииз табиат” шиори остида плоггинг марафони

ва “пикник маданияти” тарғиботи ўтказилди. Ёшлар ва фуқароларга дам олиш вақтида чиқиндиларни атрофга ташла-маслик, табиатни муҳофаза қилиш зарурияти ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди. Кўнгилилар томонидан дарё бўйида 1 тоннадан ортиқ чиқинди йиғилди – полиэтилен, шиша ва темир буюмлар “Тоza худуд” ДК техникаси орқали чиқинди полигонига олиб кети-либ, бартараф этилди.

Мазкур экологик ташаббус атроф-муҳитни асраш, тоза ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга хизмат қил-моқда. Тадбир сўнггида акция голиблари ва фаол иштирокчилар муносиб рағбат-лантирилди.

Унинг хотираси ҳамisha қалбимизда

Шаҳноза ҚАЛАНДАРОВА, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Архитектура бу – ҳаётни шакллантириш, гўзаллик ва фойдалиликни уйғунлаштириш санъатидир. Ана шу санъатни мукамал даражада ўрганган ва ўзидан кейинги авлодга ўргата олган инсонлардан бири – боғотлик устоз архитектор, Боғот тумани бош архитектори Фарҳод Қурбоновдир.

Фарҳод Қурбонов 1981 йилда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтини тамомлаб, қурилиш соҳасида иш бошлаган. 1983 йилда эса ўзи туғилган ўстан Боғот тумани архитектура ва қурилиш бўлими қошидаги хўжалик ҳисобидидаги архитектура-режалаштириш лойиҳа ишлаб чиқариш бюроси бошлиғи сифатида фаолиятини давом эттирган. Соҳадаги 44 йиллик иш жараёни давомида унга турли раҳбарлик лавозимлари ишониб топширилган.

Афсуски, бутун у киши орамизда йўқ... Аммо унинг хотираси ҳамкасблари, яқинлари ва дўстлари қалбига мангу яшайди.

– Фарҳод ака ҳамisha меҳнати билан жамиятга фойда келтиришни, одамларга чиройли ва қўлай маконлар яратишни хоҳлар эди, – деди Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари – вилоят бош архитектори Фаррух Маширапов. – “Архитектура менга нафақат ижодий эркинлик, балки катта масъулият ҳам беради. Чунки ҳар бир архитекторнинг иши келажак авлодлар ҳаётига таъсир қилади. Шундай экан, бу касб танланганида нафақат юрак, балки ақл ҳам бирдек иштирок этиши керак. Ҳар бир муваффақиятли бино – бу архитекторнинг юраги ва истеъдодидан туғилган меҳнат маҳсулидир”, дерди устозимиз.



– Фарҳод ака ёшлардек тетик инсон эди, – деди Боғот тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Руслан Жуманиёзов. – Раҳбар сифатида талабчанлигини ҳам эътироф этиш зарур. Топпириқларни барчага тенг тақсимлаб, имкон қадар ходимларга қийин бўлимаслиги учун ҳаракат қиларди. Бизга айтадиган маслаҳатлари – ҳамisha ўз устимизда ишлаш учун бошқарув ва соҳага доир, умуман, китоб муролаасига вақт ажратганини, ишда тетик бўлишимиз учун спорт билан шугулланишни тавсия қилиб, ўзлари ҳам намуна кўрсатди.

Устоз ҳақида унинг дўсти Раҳим Раҳимов шундай хотир-лайди:

– У туман бош архитектори вазифасида ишлаётганда туман маркази ва қишлоқ худудларида кенг қўламли ишларни амалга оширишга бош-қош бўлди. Унинг лойиҳалари асосида кўплаб кўча ва майдонлар қайта қурилди. Фарҳоднинг тажрибасидан фойдаланиб, унинг бошчилигида вилоятдаги 20 дан ортиқ қишлоқ худудларининг архитектура режалари ташкил этилиб, лойиҳалари ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, Жиззах вилоятидаги 2 та, Сурхондарё вилоятидаги 3 та қишлоқнинг лойиҳалари тайёрланди. Дўстим қандай ишга қўй урмасин, ўта жиҳдий ёндашарди. Унинг хотираси ҳамisha қалбимизда яшайди.

ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ

очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

“Zamonaviy realtor xizmati” МЧЖ томонидан “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2025 йил 10 июндаги 254-сонли буюртманомасига асосан, “O'zbekiston bunyodkori” газетасининг 2025 йил 17 июнь кунги 50 (903)-сонли ва “Qishloq hayoti” газетасининг 2025 йил 24 (9344)-сонлида чоп этилган эълонлардаги савдо шохобчаларнинг квадратлари ва нархлари ўзгаргани сабабли кўйидаги жадвал асосида ўқилишини ва бошқа эълонда кўрсатилган “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ худудида жойлашган савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи ўзгартириш танлов савдолари ўтказилишини билдираемиз:

№	Аввалги 2025 йил 10 июндаги 254-сонли буюртманомасига асосан савдо шохобчаларининг асосий тавсифлари	Бошланғич баҳоси, сўмда	№	Ўзгартирилди 2025 йил 1 июлдаги 281-сонли хатига асосан савдо шохобчаларининг асосий тавсифлари, деб ўқилсин	Бошланғич баҳоси, сўмда
3.	46-6- сонли, умумий майдони 9,00 м² бўлган савдо шохобчаси	144 000 000	1.	46-6- сонли, умумий майдони 15,00 м² бўлган савдо шохобчаси	90 000 000
5.	19/14- сонли, умумий майдони 36,00 м² бўлган савдо шохобчаси	648 000 000	2.	19/16- сонли, умумий майдони 30,00 м² бўлган савдо шохобчаси	210 000 000

Савдода иштирок этиш истагани билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинадиган (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Таклифларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2025 йил 18 июль кунги соат 16.00 гача.

Талабгорларнинг таклифлари 2025 йил 21 июль кунги соат 11.00 дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади.

Танлов савдо шу кунги бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2025 йил 4, 19 август, 2, 16, 30 сентябрь кунлари сотилгунга қадар соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказил-ладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Хамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.
Телефон: 71-237-23-82.

ПОПРАВКА

В объявлениях “Приглашение к участию в тендерных торгах”, опубликованных в газете “O'zbekiston bunyodkori” №52 от 27 июня 2025 г., информация по объектам правильно читать:

По Хорезмской области: “SRDP-KHR-W-41 – асфальтирование внутренних дорог в МСГ “Дустлик” Ханкинского района Хорезмской области.”

По Бухарской области: “OFID-BKH-W-23 – асфальтирование внутренних дорог в МСГ “Жовғари” и “Лабирит” Гиждуванского района Бухарской области.”

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2025 йил июль ойининг 4-10 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Йиғма ахборот-таҳлил ва мониторинг бўлими бош мутахассиси Хайрулло Ибрагимов, хайдовчи Азим Мусирмонов, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Худудий инспекциялар қурилиш-монтаж ишлари назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси Сухробжон Шодибек, “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ маслаҳатчиси Олимжан Юлдашев, йиғма эксперт тўлосулар тайёрлаш бўйича бош мутахассис Жалол Аҳмедов, Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро назорати бўлими мутахассиси Мадинабону Ўктамова,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти Мувофиқликни баҳолаш бошқармаси мутахассиси Ёдгоржон Норбоев,

“Ташгипрогор” АЖ таъминот муҳандиси Салоҳиддин Муслимов, архив бошлиғи Худойкул Назарқулов,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси лойиҳа бош муҳандиси Шохрух Тўйчиев,

“Ўзгирсанотлоийиҳа” АЖ ЭТА муҳандиси Алан Осадчий, ЭТА бош мутахассиси Михаил Ковряженков,

“O'zshaharsozlik LITI” ДМ Хўжалик ва дастурий-техник таъминоти бошқармаси хайдовчиси Абдулла Арпжанов, бош бухгалтер ўринбосари Зебиниса Нурумухаммедова, Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиб бошқармаси етакчи иқтисодчиси Нодира Сидибекова бошқарманинг 1-устахонаси лойиҳа бош муҳандиси Алишер Аҳмедов, бошқарманнинг 1-тоифали муҳандиси Есения Чернова, 3-устахонаси олий тоифали лойиҳа бош архитектори Гулшайра Магаметова,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Архитектура ва худудларни ривожлантиришни режалаштириш шўъбаси бош мутахассиси Алийбек Каипбергенов, хўжалик мудир Аманкелди Талайбаев, Кўнгирт тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Ғулмон Ибраимов, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси хизмати бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими етакчи мутахассиси Алияр Орақбаев,

Андижон вилояти Андижон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Анваржон Алимов,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси хўжалик ҳисобда фаолият юритувчи бўлими ҳисобчиси Ҳамида Юсупова, Туман-шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими фаолиятини мувофиқлаштириш шўъбаси бош мутахассиси Шухрат Ҳабибов, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими лаборанти Гулрухсор Норова, қоровул Азамат Эсанов,

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Фаррух Муродов,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси Ҳиммат Болиқулов,

Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси Бекзод Аҳмадов, қоровул Азизбек Искандаров,

Сурхондарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдор Хуррамов, Кўп квартиралли уйлари бошқариш тизимини ривожлантириш ва реновация лойиҳаларини амалга ошириш бўлими шўъба бошлиғи Ақром Худайбердиев,

Наманган вилояти Давлатобод тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси Ахроржон Умаров,

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Туман-шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими фаолиятини мувофиқлаштириш шўъбаси бошлиғи Нурбек Исмоилов,

Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси Диёр Эшметов,

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги “Тулхумор-сервис-коммунал” уй-жой мулкдорлари шirkати бошқарувчиси Галина Лушникова, Мирзо Улуғбек туманидаги “Egasi-Kommunal-Servis” ҚМЖ уй-жой мулкдорлари шirkати бошқарувчиси Наталья Агаповаларни таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этаемиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!



IJTMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Хидоят, (Тахрир хайъати раиси), Давронжон Адилов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сирожидин Эшқувватов, Козим Туляганов, Юлдаш Магруппов, Бобир Эмуродов, Илҳом Аҳмедов.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир Дилшод Жалолов

Бош муҳаррир ўринбосари Райҳона Хўжаева

Саҳифаловчи Акмал Махкамов

Мусахҳих Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Наشريёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Ўзсанотқурилишматериаллари” уюммаси, “ЎзТАШКЛИТИ” МЧЖ, “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар: 71-241-01-29 (кабулхона), 71-241-01-43 (таҳририят), 71-241-01-29 (бухгалтерия), 71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43. Андижон вилояти: 93-410-15-18. Бухоро вилояти: 99-704-66-69. Жиззах вилояти: 99-525-30-05. Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29. Навоий вилояти: 99-731-17-40. Наманган вилояти: 91-365-07-36. Самарқанд вилояти: 95-560-30-45. Сирдарё вилояти: 94-916-99-77. Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11. Фарғона вилояти: 90-349-55-56. Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буыортма – Г-741. 1864 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Р. Хўжаева. Навбатчи – А. Эгамбердиев.

ЎА яқуни – Топширилди – 23.00.

123456

Газетанинг навбатдаги сони 11 июль кунини чиқади.